

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МАДАНИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ

Музаффар Ботиров

Гулистон давлат университети, катта ўқитувчи.

Ф ф.б.ф.д (PhD)

Тарихдан маълумки, инсон ва жамият тараққиёти маънавий-маданий бойликлар билан ҳам ўлчанади. Инсоннинг, миллатнинг маъ-навий-маданий мерос асосида маънавий ўзлигини англаши тарақ-қиётнинг ҳам негизи, ҳам мезони ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни халқимизнинг бош мақсади ва азалий орзуси деб эълон қилди. Ўтган йилларда республикамиз ўз миллий демократик тараққиётининг машаққатли, мураккаб ва зиддиятларга тўла, лекин ғоят шарафли йўлидан борди. “Босиб ўтган йўлимиз қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, истиқлол йиллари бизнинг мустақил яшаш ва мустақил тафаккур юритишга қодир миллат эканимизни жумлаи жаҳонга ёрқин намоён қилмоқда”.

Маданий мероснинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги ўрни, маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабатнинг миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини интеграциялашуви масаласининг илмий-фалсафий таҳлили, инсон ва маданий мерос муносабатининг ахлоқийлик жиҳатларини кенг кўламда очиб бериш, глобаллашув шароитида бу муносабатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда уларнинг муҳим хусусиятларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масала-ларидан биридир.

Мустақиллик йилларида бой тарихий, маданий меросимизга дав-латимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор, бугунги кун ёшларининг маданий меросимизга бўлган қизиқишлари, ёшларнинг бу соҳадаги ижтимоий фаоллиги тахсинга лойиқ.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир миллатнинг миллий мероси ўша миллат томонидан яратилган моддий маънавий ва бошқа барча турдаги меросини қамраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характерга эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади.

Миллий мерос миллатнинг тафаккури, дунёқараши ва яратув-чилик салоҳиятининг маҳсулидир.

Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Халқимизнинг бой тарихий-маданий ва маънавий меросини ўрганиш миллий ўзлигимизни англашга, улардан самарали фойдаланиш эса юртимизда фуқаролик жамияти ва демо-кратик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат барпо этишга имкон яратади.

Маданий меросга муносабатда маънавий ўзликни англаш оми-лининг ҳисобга олинмаслиги демократик жараёнларнинг моҳиятини саёзлаштиради.

Бугунги кунда ҳар бир инсоннинг онги ва тафаккурида энг аввало, маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабат ва бу муносабатнинг онгли даражада амалга оширилиши, қолаверса бунинг негизида инсонларда тарихий, ахлоқий, эстетик онг тушунчасини шакллантириш масалалари жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Инсоннинг маданий меросга ахлоқий муносабати аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни кадрлаш усулидир. Қолаверса маданий мероснинг ҳам ёшларнинг ғоявий-ахлоқий тарби-ясида алоҳида ўрни бўлиб, уларнинг ижтимоий онг шаклланинг ривожланишида, дунёқарашини кенгайтиришида, эркин ва мустақил фикрлашида зарур омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига яқин вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар бошқа даврлардан тубдан фарқ қилади. Республикамизда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, миллий, маънавий меросларимизнинг тикланиши билан бир қаторда бу меросларнинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оши-ришдаги ўрни ва роли долзарб масалалардан бири ҳисобланиб келин-моқда. Бугунги кунда кишилар онги, тафаккурини ўстиришда, дунё-қарашини шакллантиришда маънавий ва ахлоқий фазилатларни синг-дириш билан бир қаторда маданий меросни асраб-авайлаш, унга оқилона ва одилона ёндашув муносабатини шакллантиришни талаб этади.

Демак, шу халқ фарзандиман деган ҳар бир шахснинг ҳозирги глобаллашув жараёнида доимо маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабатда бўлиши ва ушбу жабҳада олиб борилаётган ишларга мустақил дунёқараш билан муносабат билдира олиши зарурдир. Бу эса ҳар бир жамиятимиз аъзосини ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган жараёнларга бефарқ бўлмасликни, аждодларимиз томонидан қолди-рилган маданий меросни асраб авайлаш учун масъул эканлигини ҳис қилиб яшашни англашиб туради.

Бу муаммони кенг қўламли ёритиб бериш ва тадқиқ этишда нафақат ҳозирги даврнинг етук мутахассисларининг фикр-муло-ҳазаларидан, балки аждодларимиз томонидан яратилган юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётларнинг ҳали тўла ўрганилмаган жиҳатларини тадқиқ этиб, халққа тақдим этиш ижтимоий-фалсафий фанлар олдидаги долзарб вазифалардандир. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган илмий-ҳаётий тажрибалари, диний ахлоқий, илмий-фалсафий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш вақти келди. Бунда “Авесто”, Ислом фалсафаси, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Ибн Сино, Амир

Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, қолаверса, маърифатпарварлар ва жадид мутафаккирларининг бу бора-да олиб борган ижтимоий-фалсафий ғояларини ўрганиш бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу масалани ўрганиш жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- маданий мерос тушунчаси, унинг ахлоқий, ижтимоий-тарихий негизлари, халқимизнинг миллий ўзлигини англашда ва кишилар тафаккурини ривожлантиришдаги ўрни;

- глобаллашув жараёнида маданий мероснинг ёшлар ижтимоий онгини шаклланишидаги белгиловчилик моҳияти ва мазмуни;

- маданий меросга ахлоқий муносабатнинг шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари;

- маданий меросга ахлоқий муносабат туйғусини юзага келишининг ижтимоий-тарихий моҳияти;

- мустақиллик йилларида маданий меросга муносабат жараёнида миллийлик ва замонавийликнинг ўзига хос жиҳатлари;

- маданий мероснинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги муносабати жараёнида умуминсонийлик тамойилларига эътибор;

-маданий меросга ахлоқий муносабатда миллийлик ва умуминсонийлик интеграцияси ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқа-дорлиги кабилар.

Миллий маданий мерос миллат таракқиётининг турли тарихий босқичларида вужудга келиб миллатнинг ўзи билан боғлиқ бўлган бойлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у миллатнинг ўз келажагини яратишда таянч ва тажриба манбаи бўлиб хизмат қилади.